

А Ж Р И М

2024 йил апрель ойининг 2 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди, суд биносида, очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи: **А.А.Турғунов**,
судья ёрдамчиси Б.Турсунматовнинг котиблигида, Олмазор туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Абдузохировнинг иштирокида,

Исроилов Достон Баходир ўғли (Isroilov Doston Bahodir o`g`li) – 12.05.1991 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, “Graff Gold Zone” МЧЖда ишчи, оилали, муқаддам судланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Лангар 10-берк кўчаси, 3-уйда истиқомат қилувчига

нисбатан **1-3-1008-2403/362**-сонли иш бўйича муддатидан илгари жазодан озод қилиш тўғрисидаги Олмазор туман ИИО ФМБ Пробация бўлими бошлиғининг тақдимномасини кўриб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Иш ҳужжатларига кўра, **Н.Назаров**га жиноят ишлари бўйича Тошкент туман судининг 16.03.2023 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 19.05.2023 йилдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 62-моддасига асосан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 11 ой 20 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Маҳкум суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг **6 ой 15 кун**ни ўтаган.

Маҳкум Олмазор туман ИИО ФМБ Пробация бўлими томонидан рўйхатга олиниб, жазони ўташ тартиб-қоидалари билан ёзма равишда таништирилган.

Иш ҳужжатларида маҳкум жазо муддатини ўташ даврида ўрнатилган тартиб-қоидаларга риоя этиб, ижобий тавсифланганлиги кўрсатилган.

Олмазор туман ИИО ФМБ Пробация бўлими бошлиғи судга тақдимнома билан мурожаат қилиб, ҳозирда маҳкум ўзига юклатилган вазифаларни тўлиқ бажариб келаётганлигини, қилмишидан пушаймонлигини инobatга олиб, тайинланган жазонинг **5 ой 5 кун**дан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни сўраган.

Судда маҳкум оилавий моддий шароитини инobatга олиб, туман ИИО ФМБ Пробация бўлими бошлиғининг тақдимномасини қувватлаб, тақдимномани қаноатлантиришни сўради.

Суд маҳкумни тинглаб, тақдим қилинган иш ҳужжатларни таҳлил қилиб, туман прокурори катта ёрдамчисининг тақдимномани қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, шунингдек, уни юклатилган вазифаларни тўлиқ бажариб келаётганлигини, ижобий тавсифланишлигини, оилавий-моддий шароитини, қилмишидан пушаймонлигини ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажариб, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлигини инobatга олиб, суд мазкур



тақдимномани қаноатлантириб, уни тайинланган жазони ўталмай қолган қисмидан муддатидан илгари озод қилишни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73,89-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 536, 541-моддаларини қўллаб, суд ажрим қилади,

А Ж Р И М:

Тошкент шаҳар Олмазор туман ИИО ФМБ Пробация бўлими бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Исроилов Достон Баходир ўғли (Isroilov Doston Bahodir o'g'li)га суд томонидан тайинланган ва ўталмай қолган **ахлоқ тузатиш ишлари** жазосининг **5 ой 5 кун**дан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинсин.

Ажримдан норози томон 10 кун муддат ичида шу туман суди орқали Тошкент шаҳар судига шикоят ёки протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи судья: имзо

Нусхаси аслига тўғри, судья:

